
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 106 (2654). | Якшанба, 31 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Алмашинадиган саҳифалар

«Тошкент ҳақиқати» газетаси алмашиниб турадиган маҳсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Газетанинг 3-бети икки хил нусҳада босилди.

Саноат ходимларига мўлжалланган: «Мастер — устоз ва тарбиячи» умумий сарлавҳаси остида берилган саҳифа бугун Тошкентда ўтказиладиган «Мастерлар куни»га бағишланган. Унда Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори С. Орифбоевнинг «Ишлаб чиқариш ташкилотчилари», мухбиримиз Ў. Хошимовнинг «Яхшидан от қолар», «Ташкенткабель» заводининг ишчиси Ў. Шамсимухамедовнинг «Катта қалб эгаси» ва Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикасининг смена мастери Ў. Умарбековнинг «Юксак масъулият» сарлавҳали мақолалари босилган.

Қишлоқ хўжалик ходимларига мўлжалланган: «Сув—ғўза томирига қон» умумий сарлавҳаси остида берилган саҳифада областимиз ишлаб чиқариш бошқармаларида ғўза парваришининг бориши, шунингдек сабзавотчилар ва чорвадорларнинг фидокорона меҳнатларига бағишланган турли материалларни ўқиш мумкин.



ҲАР ТУП ҒЎЗА СЕРҲОСИЛ БЎЛСИН

Бир туп ғўза. Бу — деҳқон пешона терининг, юрак ҳарорати, билак ва бел кучининг мевасидир. Фарзанд кўз очиб дунёга келган кунидан то балоғатга етгунча она уни қанчалик меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб ўстирса, миришкор деҳқон ҳам ўз меҳри-гиёҳи, фахри ва бойлиги—ғўзасини ана шундай ардоқлайди, севади. Туну-кунларини унинг ишқи билан ўтказади.

Ғўзага ўз фарзандидек меҳр қўйган, шу туфайли обрў-эътибор орттирган асл пахтакорлардан бири Мадали отадир. Бошқаларнинг ғўзаси иккитадан чин барг чиқарганда унинг ғўзалари 3—4 тадан чин барг ёзиб, шона ниша беради. Бошқалар ўз уддабуронсизликларини об-ҳавога тақасалар, у ҳар қандай шароитда ҳам мардонавор ишлаб кузда катта хирмон кўтаради. Ўн олти йилдан буён Мадали отанинг бирон марта планини бажаролмаганлигини ҳечким эслаёлмайди. Ана шундай уста пахтакорлар Ўрта Чирчиқдаги Охунбобоев номли колхозда ҳам бор. Уларнинг пахтазорларида бўлсангиз бironта ҳам ўт ўсмаган, гуркираб ўсаётган ғўзаларни кўриб қувонасиз, руҳланасиз. Ана шу пахта ишкибозлари, эл-юрт учун ҳақиқий жон куйдириб ишлаётган минглаб, миллионлаб кишилар туфайли «оқ олтин» хирмонимиз ҳар йили балоғд ва улкан қад кўтармоқда.

Ёзнинг файзли ва сербарака кунлари келди. Бунинг ҳар бир куни деҳқон учун қадрли, ғаниmат ва қиммат. Бу фасл яна ҳам ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади. Бу фаслда ҳар бир туп экин ҳосил тўплайди, етилади ва пишади. Деҳқон ўз ғўзасини дуркин ўстириши, сувга қондириши, ўғитга тўйдириши, бирон шона, тул ёки кўсакни тўкилишига йўл қўймаслиги, ўтга ва ҳашаротга олдирмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда улкан хирмонимиз тақдирини ҳал қилувчи кунлар келди. Кўпни кўрган деҳқон ҳамма ишини режали қилади. Машъал оққўрғонликлар бу йил ҳам карвоннинг бошида бориш учун мардона курашмоқдалар. Бошқарма хўжаликлари чигитни бир текис ундириб олгандан кейин дарҳол яганани сифатли тамомладилар. Эндиликда ғўза қатор ораларига ишлов беришни жадал ва сифатли ўтказмоқдалар. Кўпчилик колхоз ва совхозларда ғўза иккинчи марта парвариш қилинаяпти. Уч-тўрттадан чин барг чиқарган, шонаси кўринай деб қолган пайкаллар пахтакорнинг фидокорона меҳнатидан далолат бериб турибди.

Қишлоқ область партия комитети колхоз ва совхозларда зиммага олинган мажбуриятни бажариш йўлида қандай иш олиб борилаётганини кўрикдан ўтказди. Бу тадбир яхши натижа берди. Кўпчилик хўжаликлар текшириш бригадалари аъзолари маслаҳатлари асосида ғўза парваришини намунали олиб бормоқдалар. Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли, «Ленин йўли», «Полярная звезда», «Партия XXII съезди» колхозлари, Оққўрғон бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», 2-«Оққўрғон» совхозлари, «Ленинград», Димитров номли, Ленин номли, Свердлов номли колхозларда яхши парвариш қилинган ғўзалар кундан-кунга яшнаб, қулф уриб, бир текис ўсмоқда.

Лекин ғаниmат кунлар ўтиб бораётганига қарамай, айрим хўжаликларда ғўза парвариши қониқарли эмас. Ёввойи ўтга қарши кураш етарли бўлмаяпти, қатор ораларини юмшатиш, кечикаяпти, ишчи кучлари ва механизмлардан унумли фойдаланиш яхши уюштирилмаган. Янгийўл бошқармасидаги айрим колхозларда ҳали биринчи ишлов берилмаган ғўзалар бор. Бекобод бошқармасининг раҳбарлари ўтган йилгидек эл-юрт олдида қарздор ва уятли бўлиб қолмасликлари учун бу йил белни маҳкам боғлашлари ва ғайрат билан меҳнат қилишлари керак эди. Бироқ бу ерда ўтказилган текширишлар шу нарсани кўрсатдики, бекободликлар ишни яхши ташкил этмаганлар. Бутун куч ва эътибор ғўза парваришини кучайтиришга, ўсимликларни соғлом ва серҳосил қилиб ўстиришга қаратилган эмас.

Бу бошқармадаги «Коммунизм» колхози, «Чаноқ», 1-«Далварзин», 2-«Далварзин» совхозларининг раҳбарлари ғўза зараркунандаларига қарши кураш олиб бормаётирлар. «Коммунизм» колхозида механт интизомининг бўшлиги натижасида даладаги ишда унум паст. Бу колхознинг 30 процент ғўзаси эндигина биринчи ишловдан чиқарилган. Трактор-чилар ғўза парваришида эмас, бошқа ишларда ишлаётирлар. Бошқарманинг бир неча хўжаликларида гектарлар тўла ва кўчатлар бут эмас, унинг қалинлиги мўлжалдагидан анча кам. Баъзи бригадаларда эса ҳозиргача ғўза ягана қилинмоқда.

Область партия комитетининг вакиллари бундан бошқа яна кўпгина камчиликларни аниқладилар ва улар ғўза парваришида содир бўлаётган жиддий камчиликларни қандай қилиб тузатиш, бундан сўнг ниманарга эътибор бериш кераклиги ҳақида қимматли маслаҳатларни айтдилар, ҳар бир хўжаликнинг ўзида, далада деҳқонларга амалий ёрдам бердилар. Колхоз ва совхозларнинг, бошқарма ва партия комитетларининг раҳбарлари мавжуд ишчи кучлари ва техникани ғўза парваришини кучайтиришга, культивация, озиқлантириш ва суғоришни юқори сифатли ўтказиб, ҳар бир гектарда, ҳар бир тупда мўл ҳосил тўплашга тўла сафарбар этмоқликлари лозим. Ҳамма ерда қатъий интизом ўрнатилмоғи, ҳар бир ишнинг унумли бўлишига эришилмоғи керак. Ёввойи ўтга, ғўза зараркунандаларига қарши курашни кучайтириш, бир туп ғўза ҳам нобуд бўлмаслиги учун барча тадбирларни кўриш зарур.

Бу йил областимиз бўйича она-Ватанга 315 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, деган ваъду-ваймонимиз бор. Ана шу тонналарнинг тақдири шу кунларда ҳал этилади. Ҳозирги баракали ва фидокорона меҳнатимиз билангина катта хирмон кўтаришимиз мумкин. Барча колхоз ва совхозларда ғўза парваришини намунали ва сифатли уюштирайлик, республикамиз улкан хирмонига муносиб ҳиссамизни қўшиб, шонли юбилейни ёруғ юз ва улкан ғалаба билан кутиб олайлик!

Эҳтирос тахтаси

Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитети ва область ижроия комитети **Калинин** ҳамда **Оққўрғон** ишлаб чиқариш бошқармалари илғор хўжаликларининг давлатга пилла сотиш топшириғини ва социалистик мажбуриятни бажариш якунларини кўриб чиқди ва қуйидаги хўжаликларни область «Ҳурмат тахтаси»га ёзишга қарор қилди.

Генерал Раҳимов номли колхоз (раиси **М. Маъмуров**, партия ташкилотининг секретари **М. Тошматов**, агротехник **П. Турсунов** ўртоқлар). Бу колхоз пландаги 7200 килограмм ўрнига давлатга 8178,9 килограмм пилла сотиб, планни 113,7 процент бажарган.

Свердлов номли колхоз (раиси **С. Жўраев**, партия ташкилотининг секретари **А. Бойбобоев**, агротехник **С. Қурбонова** ўртоқлар). Бу хўжалик давлатга пландаги 6400 килограмм ўрнига 6800 килограмм пилла топшириб, планни 106,2 процент адо этган.

«Партия XXII съезди» колхози (раиси **А. Назаралиев**, партия ташкилотининг секретари **Х. Эркахўжаев**, агротехник **А. Тугалбоева** ўртоқлар). Бу колхоз планда белгиланган 4600 килограмм ўрнига 4607 килограмм пилла сотиб, планни 100 процент бажарган.

«Партия XXI съезди» совхози (директори **О. Зокиров**, партия ташкилотининг секретари **М. Мерганов**, пиллачи-агроном **Янаполус** ўртоқлар). Совхоз пландаги 16400 килограмм ўрнига давлатга 16435 килограмм пилла сотиб, планни 100,1 процент адо этган.

«Ленинград» колхози (раиси **Тин Чан-Ен**, партия ташкилотининг секретари **М. Усмонов**, агротехник **С. Югай** ўртоқлар). Бу хўжалик планда белгиланган 3700 килограмм ўрнига давлатга 3739 килограмм пилла сотиб, планни 101 процент бажарган.

ТЮПКОЧИ ЗВЕНОДА

Кўчатлар бир текис, Бironта ҳам бегона ўтни учратмайсиз, Ғўза узунасига ва кўндаланигига культивация қилинганлигимнинг шарофати бу! Ана эгат бўйлаб агрегатни дадиллик билан бошқариб, кетаётган йигитга бир назар ташланг. У машинани роят эпчиллик ва эҳтиётлик билан ҳайдаяпти. Ахир, ҳозир ғўза ёш, сал бўлсада эҳтиётсизлик қилинса, унга шикаст етиши мумкин.

Бўкадаги «XIX партсъезд» колхозининг Суюн Абдиев бошлиқ тюпкочи звеносининг далаларида иш ана шундай қизғин. Суюн ўзи чигит экди, мана энди ўзи культивация қилаяпти.

— Ҳар гектар ердан кам деганда 30 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганмиз, — дейди звено бошлиғи, — бизда 8 киши бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Бир гектар ерда кам деганда 100 минг тип кўчатни пахта терими бошлангунча сақлаб қоламиз.

Колхознинг Маҳкам Абдуллаев бошлиқ тюпкочи звеносида ҳам мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирланмоқда.

Ф. НСАЕВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ҲАҚИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VI сессияси 9 июнь кундуз соат 3 да округ офицерлар уйида чақирилади.(Энгельс кўчаси, 13-уй).

Сессия кун тартибига қуйидаги масала киритилган.

«Аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари» тўғрисида.

Депутатлар шу куни офицерлар уйида соат 2 дан рўйхатга олинадилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

КРЕМЛДА ЗИЁФАТ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 29 майда Катта Кремль саройида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихт билан рафиқаси шарафига зиёфат бердилар.

Ўртоқ В. Ульбрихт билан бирга келган ГДРнинг раҳбар партия ва давлат арбоблари, шунингдек Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Германия Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Рудольф Беллинг ва бошқалар ҳам В. Ульбрихт билан бирга бўлдилар.

Совет Иттифоқи томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущчев рафиқаси билан, Л. И. Брежнев рафиқаси билан, А. П. Кириленко, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, Л. Н. Ефремов, Ю.В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, А. Н. Шелепин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Д. Ф. Устинов, В. Э. Димшиц, М. А. Лесечко, П. Ф. Ломако, И. Т. Новиков, К. Н. Руднев, Л. В. Смирнов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Я. В. Пейве, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари ва бошқалар қатнашдилар. (ТАСС).

Совхоз пиллачиларининг ютуғи

Куни кеча Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «XXI партсъезд» совхозидан хушхабар олдик. Баҳорги пилла қурт боқишни намунали ўтказган совхоз шичиларни давлатга пилла топшириш планини муддатидан илгари бажардилар. Ҳаммаси бўлиб, 16,435 килограмм пилла етказиб берилди ва топшириқ анча ортиги билан адо этилди.

Ҳозир ҳам совхозда пилла топшириш давом этмоқда. Бутун куч зиммаса олинган социалистик мажбуриятни ҳам муваффақиятли бажаришга қаратилган.

БРАЗИЛИЯДАГИ АҲВОЛ

ГАВАНА, 29 май. (ТАСС). Бразилиянинг муваққат президенти Кастело Бранко миллий конгрессининг депутатлар палатасига конституцион тузатиш лойиҳасини юборди. Бу лойиҳада, дейилади Пренса Латина агентлиги мухбирининг Бразилиа шаҳридан юборган хабарида. Кастело Бранко президент сайловларини 1966 йилгача кечиктиришни илтимос қилади.

Кастело Бранко ҳарбий денгизчилар ва денгиз пиёда қўшинлари солдатлари уюшмасининг ишлашини олти ойгача тақиқлаб қўядиган расмий декрет эълон қилди. Шу билан бир вақтда, деб хабар беради, мухбир, Бразилияда президентликка номзоди кўрсатилиши эҳтимол бўлган кишиларни таъқиб қилиш давом этмоқда. Жумладан, ҳарбий министр генерал-да Коста и Сильва телевидение орқали сўзлаган нутқида бўлажак президент сайловларида овозга қўйилишдан воз кечмаётган Жуселино Кубичекни қоралаб гапирди. Бразилиянинг социал-демократик партияси сайловларда Кубичекни қувватлаб чиқамиз, деб айтди.

СУВАННА ФУМАНИНГ ЖАВОБИ

ЛОНДОН, 30 май. (ТАСС). Лаосдаги Нео Лао Хак Сат партиясининг раҳбари шаҳзода Суфанувонг бош министр Суванна Фумага мактуб билан мурожаат қилиб, бу мактубда Лаосдаги учта сиёсий гуруҳ раҳбарларининг кенгашини чақиришни таклиф қилади.

Кеча Лаос бош министри Суванна Фума Суфанувонгга жавоб хати юбориб, унда кенгаш Луанг-Прабангда ёки Вьентьянда ўтказиладиган бўлсагина, бу таклифни қабул қилишга тайёр эканлигини билдиради, деб хабар беради. Рейтер агентлиги.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

● **Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, Чехословакия партия ходимлари делегацияси Будапештга келди. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Михал Сабольчик делегацияга бошчилик қилади.**

● **«Иваннинг болалик чоғлари» деган совет фильмига Американинг машҳур режиссёри Давид Селзникнинг 1964 йилги мукофоти берилди. Бу мукофот халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ишига катта ҳисса қўшган фильмларга ҳар йили берилади.**

● **Ғарбий Германиянинг машҳур физиги Нобель мукофоти лауреати профессор Отто Ган атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга қарши чиқди. Германия Федератив Республикасининг Киль шаҳрида ўтказилган илмий кенгашда нутқ сўзлаб, О. Ган бундай деди: «Биз, олимлар, ядро энергиясидан ялпи қирғин воситалари вужудга келтириш учун фойдаланишни рад этамиз». О. Ган ядро тадқиқотларининг натижаларидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш лозим эканлигини ҳам таъкидлади.**

● **Жанубий Корея ҳарбий ҳаво кучлари Тэгудаги авиация базасида янги қисм тузишни планлаштирмоқда. Бу қисм шу йилнинг охиригача Американинг энг янги қирувчи самолётлари билан таъминланади. Учувчилар составини тузиш ва унга таълим беришда америналик инструкторлар антив қатнашадилар.**

● **Шотландияда ич терлама касали кенг тарқалди. Абердин шаҳри касалхоналарида шу касалга мубтало бўлган 97 киши даволанмоқда.**

● **28 майда Нью-Жерси штатидаги Гудзон дарёсининг юк ортиладиган ва юк бўшатиладиган пристанларида катта ёнғин чиқди. Жерси шаҳрининг ва қисман Нью-Йорк шаҳрининг барча ўт ўчириш командалари ёнғинни ўчириш учун сафарбар қилинди. 5 юк пристани ва 5 понтон нўпириги тамомила ёниб кетди. Шу атрофдаги бир неча причаллар ҳам зарарланди.**

● **Эроннинг Хузистон вилоятида 50 даражали температура ва саратон иссиғлиги ҳамда қум бўронлари натижасида ич кетиш, қизамиқ, ич терлама ва безгак каби юқумли касалликлар кенг тарқалди. Ободонда безгак ва қизамиқдан 27 бола ўлди.**

● **27 майда Гонконг соҳиллари яқинида соатига 100 километрдан ҳам тез эсган шамол икки юк кемасини — Ливанга қарашли 5.000 тонна оғирлигидаги кема ва Англияга қарашли 7.000 тоннадан ҳам кўпроқ оғирлигидаги кемани соҳилга чиқариб ташлади. (ТАСС).**

ЭРТАГА БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

БОЛАЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ, ОРЗУ УМИДИМИЗ

ХАЁТ ГЎЗАЛЛИГИ ФАРЗАНДЛАР БИЛАН

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг келажагини ўйлайди. Унинг бақувват, соғлом, билимли бўлиб ўсишини, шуниндек, ўзи яшаётган муҳитни яхши билишини хоҳлайди. Фарзандининг ҳамма миллат болалари билан иноқ бўлиб яшашини, душманлик туйғулари унинг қалбидан сира жой олмаслигини ҳам истайди.

Ҳа, ота-оналар ўз фарзандларининг ҳозирги турмуши ҳам, келажаги ҳам порлоқ бўлишини, тинч-осойишта яшашини орзу қиладилар. Шунинг учун ҳам болаларнинг ҳаётни ва соғломлиги учун кураш тинчлик учун, инсон ҳуқуқи учун кураш билан бевосита боғланиб кетгандир.

Ҳар йили дунёнинг ҳамма мамлакатларида кенг нишонланадиган болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни ҳам инсоннинг тинч ҳаёти ҳамда эркҳуқуқи учун кураш кунига айланиб бораётгандиги бунинг ёрқин мисолидир. Шу куни болаларни уруш даҳшатларидан ҳимоя қилишга, уларнинг соғлигини муҳофаза этишга, яхши тарбия ва маълумот олишига бутун жамоатчилик эътибори қаратилади.

Жонажон она-Ватанимизда совет жамоатчилигининг бутун фикри-зикри тинчлик учун, тўла ва батамом қуролсизланиш, ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишни янада кучайтиришга қаратилгандир.

«Ҳамма яхши нарсалар болалар учун!». Бу социализм мамлакатлари халқларининг қатъий шиорига айланган. Совет ҳукумати ўзи ташкил топган дастлабки кунлардаёқ халқ маорифи бўйича давлат комиссияси тузди. 1917 йилнинг декабрида эса онадик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги декрет эълон қилинди. 1919 йилда эса доҳий В. И. Ленин «Болаларни ҳимоя қилиш совети» тузиш ҳақидаги декретни имзолади. 1921 йилда болаларнинг турмушини яхшилаш бўйича комиссия тузилди.

Кўриниб турибдики, социалистик давлатимиз ташкил топган кундан бошлаб болалар тақдири тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилинабошланди.

Болаларни коммунистик ахлоқ руҳида, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш жамиятимизнинг асосий талабларидан биридир. Ҳозир махсус болалар газеталари чиқарилмоқда, турли хил адабиётлар нашр этилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 23 та пионер газетаси, 33 та журнал босилмоқда.

Мамлакатимизда 100 дан ортиқ болалар театри ва ёш томошабинлар театри, 100 дан ортиқ кўғирчоқ театрлари ишлаб турибди. Республикамизнинг ўзида 3 та пионер газетаси, 2 та болалар журнали чиқаётир. Радио ва телевидение ҳам болалар тарбиясига оид қизиқарли эшиттиришлар ташкил этяпмиз.

Республикамиз пионерлари ихтиёрида 100 дан ортиқ пионер уйлари, 6 та пионер саройи, 20 та ёш техник, 18 та табиатшунос ва 10 дан ортиқ туристик станция бор.

Ўқувчиларнинг дам олишини намунали уюштириш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Бу йилги ёзги каникул ҳам хушчақчақ ўтади. Каникул давомида кўпгина пионер лагерлари ишлайди.

Пионер отряди ва дружиналарида болаларни халқимизнинг революцион ва меҳнат традицияларн асосида, Совет Ватанига ва Коммунистик партияга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Болаларни коммунистик руҳда тарбиялашда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти ғоятда катта роль ўйнамоқда. Ташкилот ўз сафида 21 миллионга яқин болани бирлаштиргандир. Ташкилот ўзининг 42 йиллик фаолиятида миллионлаб совет кишиларига дастлабки снёсий тарбия берди.

Совет кишилари шуни жуда яхши тушунадиларки, бизнинг эзгу ниятларимизни рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ва барқарор тинчлик керак.

Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимиз бутун ер қуррасида миллион-миллион кишиларнинг орзу-тилаги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамма чорани кўриб келмоқда, урушни бутунлай йўқотиш учун барча кучларни бирлаштирмоқда, тўла ва батамом қуролланишнинг ташаббускори бўлиб чиқмоқда.

Халқаро вазиятни юмшатиш, дунёдаги ҳамма халқлар, давлатлар билан тинч-тотув яшашнинг ленинча принципини амалга ошириш учун турли имкониятлардан фойдаланмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ота-оналарга ҳақиқий ғамхўрлик, болаларга эса чинакам муҳаббат билан қарайди. Болалар муассасалари, мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар клубларн ва пионер саройлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Социалистик тузум кишилар учун, айниқса ота-оналар ва болалар учун чинакам ҳаётбахш шароитлар яратиб берётганлигини Чехослов а к и я, Болгария, Польша ва бошқа қатор Халқ Демократияси мамлакатлари мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин.

Капитал ҳукмронлик қилаётган мамлакатларда-чи? Жаҳон статистикасидан шу нарса маълумки, капиталистик дунёда миллион-миллион болалар очликда, қашшоқликда ҳамда жуда аянчли аҳволда яшамоқдалар. Очлик, қашшоқлик жуда кўп болаларнинг ёшлик чоғидаёқ ўлиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Капиталистик мамлакатларда болалар меҳнатини эксплуатация қилиш, уларни мактаблардан, илм олишдан бенасиб этиш авжга минмоқда. Мактаблар қаровсиз аҳволда, ўқитувчиларга эса сира ғамхўрлик йўқ. Мактабларда ўқув қуроллари ва бошқа инвентарлар мутлақо етишмайди.

Болалар — бизнинг келажагимиз. Бу уч оғиз сўз бутун ер қуррасидан барча прогрессив кишиларнинг, миллион-миллион меҳнаткаш халқнинг тилида ҳам, дилида ҳам доим такрорланади. Бугун эса бу сўзлар тағин ҳам баландроқ, кучлироқ жаранглмоқда. Келажак эгалари бизга ҳаёт ва тинчлик керак, урушга асло йўл йўқ, демоқдалар.

Тинчлик эса сақланиши мумкин ва сақланиши керак. Жаҳондаги барча оналар бунга ишонадилар ва муқаддас тинчлик учун сабот ва матонат билан курашмоқдалар.

Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг секретари.

СЎЛМАС НИҲОЛЛАР

Ниҳоллар... Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ниҳол деб атайди. Уни мургаклигидан ардоқлаб, боғбон ўз ниҳоллари атрофида парвона бўлганидек, гиргиттон бўлиб ўстиради. Юрак меҳри билан уни камолга етказади. Эл-юрти учун бирор наф келтирувчи инсон қилиб етиштиради. Шундай экан, кўз нуримиз — фарзандларимизни коммунизм асрининг чинакам ниҳоллари десак янглишмаган бўламиз.

Ана шу давримиз ниҳоллари мактабларда билим нурини сиқирсалар, пионер саройларида ҳунар ўрганадилар, лагерларда маза қилиб ҳордиқ чиқарадилар.

Пойтахтимиздаги республика ёш табиатшунослар станцияси ҳам қувноқ эркатойларнинг ана шундай севимли жойига айланган.

...Дарвозадан ичкари киришимиз биланоқ ён атрофдаги яшилликдан кўзимиз қувнади. Бу манзарани болалар ўз қўллари билан бунёд қилганликларига бироз ишонинқирамай тургандик, қаршимиздаги бино ошигидан ўрта бўйли киши уч-тўрт бола билан суҳбатлашиб чиқиб қолди. Сўрашдик. Бу киши ёш табиатшунослар станциясининг директори ўртоқ Мунаввар ака Мақсудов экан. Мунаввар ака бизни ёш табиатшунослар қилаётган ажойиб ишлар билан бир бошдан таништира кетди:

— Бизда ўнта тўгарак бор. Ҳар бир тўгарак ўзига ажратилган участкада иш олиб боради, —деди ўртоқ Мақсудов. — Мана пахтачиликни олиб кўринг. Бу йил ёш пахтакорларимиз ўқитувчи Ҳожия Саидназирхонова раҳбарлигида чигитнинг ўн хилини экиб, ўстиришяпти. Бу касбни жон-дилидан севиб қолган ёш пахтакорлардан Жоно Солиҳова, Салима Муҳамедова, Дилбар Ҳакорова Мовлуда Мусаева, Миртожи Ғуломов, Исроил Файзиев каби тўгарак қатнашчилари мураккаб ғўза ниҳоллари атрофида ҳар куни парвоналар. Улар ҳатто кўчатдан ғўза ўстириш устида ҳам тажриба ишлари олиб боришяпти.

Ёш сабзавотчиларнинг меҳнатлари ҳам таҳсинга сазовор. Пайкал оралаб санаб чиқдик. Биргина помидорнинг ўзидан 17 хили барқ уриб ўсаяпти. Олди гулга ҳам кирган. Сабзавотчиликка меҳр қўйиб бу даргоҳда тарбияланаётган қўли гул Насиба Солиҳова, Еқут Косимовалар парвариш қиладилар-ку, мўл ҳосил бермайдими, бу ажойиб помидорлар. Гулчилар гулнинг қарийб 100 га яқин хилини ўстиришяпти. Шундан 60 хили кўп йиллик бўлса, 40 хили эса бир йиллик экан.

Бу ерда ёш пиллачилар ҳам қизғин иш билан банд. Айниқса Диля Низомутдинова, Мазжуда Еқубова, Тамара Нурчибоевалар айтмай сизми. Бири пилла қуртларига барг келтирса, бири хонани сарамжонлаяпти. Уни кўриб ўйлаб қолдик, Ажаб эмас машҳур пиллачи Олимхон опа Султоновадек буларнинг номлари ҳам бир куи келиб оғизданоғизга ўтса.

Ёш табиатшунослар станциясидаги ўқувчилар учун дўстлик, ҳамкорлик айниқса муқаддасдир. Улар фанатгина республикамиз эмас, мамлакатимизнинг ҳамма чекналарида ишаётган болалар билан хат ёзишиб, алоқа қилиб туришади. Ўзлари етиштираётган ажойиб гул, пахта ва бошқа ўсимликлар уруғидан юбориб туришади. Табиатшуносликка оид масалалар устида маслаҳатлашиб туришади. Шунингдек, халқ демократик мамлакатлари, айниқса Чехословакия, Польша, Норвегия ўғил-қизлари билан ҳам мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатилган.

Ёш табиатшунослар станцияси ана шундай ажойиб даргоҳдир. Бу даргоҳда қувноқ фарзандларимиз ўзлари учун ажойиб наср танлаб, ўз келажаклари учун ҳозирдан пухта замин тайёрлаяптилар.

А. ЮСУПОВ.





ПРЕЗИДЕНТ МУКОФОТИ

Жазоирдан Москвага келаётиб республика президенти Аҳмад Бин Белла ўзи билан бирга уч болани ҳам олиб келди.

— Бу болаларни олиб келишимнинг бурчим, — деди совет кишилари билан бўлган суҳбатларнинг бирида президент. — Ҳар бир сафаримда энг яхши ўқувчиларни ўзим билан бирга олиб юришни ваъда қилганман. Майли, бу менинг болалар учун мукофотим бўла қолсин...

Шундай қилиб, жазоирлик болалар президент Аҳмад Бин Белла ва унинг ҳамроҳлари билан бирга жонажон Ватанимизда азиз меҳмон бўлишди. Жазоирлик болалар Москвадалиги вақтида газета мухбирлари улар билан суҳбат қуришди. Кичик меҳмонларнинг қувончи чексиз эди. Ўзларини худди она диёрда юргандек ҳис қилишарди.

Суҳбат қизиб кетди. Сариқ коф. та кийган 13 ёшли қора кўз қизчанинг сўзларини ҳамма диққат билан эшитарди.

— Биласизларми, менинг отим Уардия Амури, — деди қизча.— Жазоир кўчаларининг биридан топиб олишди-да, «Халқ болалари» деган кичкинтойлар уйига олиб келишди. Биз ўша уйда яшаймиз, ўқиймиз, ишлаймиз. Бизни яхши овқатлантиришади, яхши кийинтиришади. Ҳудди катта опладек иноқ яшаймиз.

— Менинг исмим Зора Айди. Ёшим ўнбирда. Отам урушда ўлган. Ҳозир болалар уйида яшайман, — деб ўзини таништирди иккинчи қизча.

— Менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ. Улар урушда ўлишган. Битта ўзим қолганман. Қишлоқда яшардим. Энди бўлса болалар уйида, — деди 12 ёшли барваста Ларби Абдулқодир.

Болалар ҳозир қандай яшашаётганини батафсил ҳикоя қилишар, гап орасида илгариги оғир ҳаётларини ҳам беихтиёр эслаб қўйишарди. Лекин шу бир-икки гапнинг ўзиданоқ, аввал уларнинг аҳволи жуда ҳам оғир бўлганини англаб олиш қийин эмас эди. Энди Жазоир республикаси ғалаба қозонди. Президент Бин Белла болалар уйи очиш ишига бошқош бўлди.

...Буюк шаҳар — улуғ Москва эса бу уч жазоирлик болани онамоя қилиш совети» тузиш ҳақидаги декретни имзолади. 1921 йилда болаларнинг турмушини яхшилаш бўйича комиссия тузилди.

Кўриниб турибдики, социалистик давлатимиз ташкил топган кундан бошлаб болалар тақдири тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилинабошланди.

Болаларни коммунистик ахлоқ руҳида, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш жамиятимизнинг асосий талабларидан биридир. Ҳозир махсус болалар газеталари чиқарилмоқда, турли хил адабиётлар нашр этилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 23 та пионер газетаси, 33 та журнал босилмоқда.

Мамлакатимизда 100 дан ортиқ болалар театри ва ёш томошабинлар театри, 100 дан ортиқ кўғирчоқ театрлари ишлаб турибди. Республикамизнинг ўзида 3 та пионер газетаси, 2 та болалар журнали чиқаётир. Радио ва телевидение ҳам болалар тарбиясига оид қизиқарли эшиттиришлар ташкил этяпмиз.

Республикамиз пионерлари ихтиёрида 100 дан ортиқ пионер уйлари, 6 та пионер саройи, 20 та ёш техник, 18 та табиатшунос ва 10 дан ортиқ туристик станция бор.

Ўқувчиларнинг дам олишини намунали уюштириш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Бу йилги ёзги каникул ҳам хушчақчақ ўтади. Каникул давомида кўпгина пионер лагерлари ишлайди.

Пионер отряди ва дружиналарида болаларни халқимизнинг революцион ва меҳнат традицияларн асосида, Совет Ватанига ва Коммунистик партияга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Болаларни коммунистик руҳда тарбиялашда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти ғоятда катта роль ўйнамоқда. Ташкилот ўз сафида 21 миллионга яқин болани бирлаштиргандир. Ташкилот ўзининг 42 йиллик фаолиятида миллионлаб совет кишиларига дастлабки снёсий тарбия берди.

Совет кишилари шуни жуда яхши тушунадиларки, бизнинг эзгу ниятларимизни рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ва барқарор тинчлик керак.

Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимиз бутун ер қуррасида миллион-миллион кишиларнинг орзу-тилаги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамма чоранн кўриб келмоқда, урушни бутунлай йўқотиш учун барча кучларни бирлаштирмоқда, тўла ва батамом қуролланишнинг ташаббускори бўлиб чиқмоқда.

Халқаро вазиятни юмшатиш, дунёдаги ҳамма халқлар, давлатлар билан тинч-тотув яшашнинг ленинча принципини амалга ошириш учун турли имкониятлардан фойдаланмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ота-оналарга ҳақиқий ғамхўрлик, болаларга эса чинакам муҳаббат билан қарайди. Болалар муассасалари, мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар клубларн ва пионер саройлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Социалистик тузум кишилар учун, айниқса ота-оналар ва болалар учун чинакам ҳаётбахш шароитлар яратиб берётганлигини Чехослов а к и я, Болгария, Польша ва бошқа қатор Халқ Демократияси мамлакатлари мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин.

Капитал ҳукмронлик қилаётган мамлакатларда-чи? Жаҳон статистикасидан шу нарса маълумки, капиталистик дунёда миллион-миллион болалар очликда, қашшоқликда ҳамда жуда аянчли аҳволда яшамоқдалар. Очлик, қашшоқлик жуда кўп болаларнинг ёшлик чоғидаёқ ўлиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Капиталистик мамлакатларда болалар меҳнатини эксплуатация қилиш, уларни мактаблардан, илм олишдан бенасиб этиш авжга минмоқда. Мактаблар қаровсиз аҳволда, ўқитувчиларга эса сира ғамхўрлик йўқ. Мактабларда ўқув қуроллари ва бошқа инвентарлар мутлақо етишмайди.

Болалар — бизнинг келажагимиз. Бу уч оғиз сўз бутун ер қуррасидан барча прогрессив кишиларнинг, миллион-миллион меҳнаткаш халқнинг тилида ҳам, дилида ҳам доим такрорланади. Бугун эса бу сўзлар тағин ҳам баландроқ, кучлироқ жаранглмоқда. Келажак эгалари бизга ҳаёт ва тинчлик керак, урушга асло йўл йўқ, демоқдалар.

Тинчлик эса сақланиши мумкин ва сақланиши керак. Жаҳондаги барча оналар бунга ишонадилар ва муқаддас тинчлик учун сабот ва матонат билан курашмоқдалар.

Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг секретари.

ЭРКАТОЙЛАР ҲУЗУРИДА

Бизни боғча мудираси Вера Петровна Швец қарши олди.

— Дўмбоқчаларимиз ухлашяпти. Ахир, улар ҳам ишлай-ишлай чарчашган-да, — дейди мудира ширин уйқуда ётган болаларга имо қилиб.—Биз ҳар куни режим бўйича иш тутамиз. Эркатойлар йиғилишгач, эрталабки бадантарбияни ўтказамиз. Дўндиқчаларимиз ўз тарбиячилари Шарифа Қодирова, Мунаввар Иброҳимова, Раиса Крупина, Галина Успенскаяларни жуда-жуда яхши кўришади.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов кўчасига жойлашган 33-болалар боғчаси намунали болалар муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ишчи ва хизматчиларнинг 120 га яқин ўғил-қизи тарбияланмоқда. Ҳар бир ўғил ва қизининг ота-онаси хотиржам. Чунки, эркатой дўмбоқчаларнинг яхши тарбияланишлари учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Тарбиячилар таълим-тарбия ишларини болаларнинг ёшига қараб олиб боришади. Мактабга тайёрлов группасидаги болалар «Ёз», «Қушча қўшиғи» ашулаларини, «Вайроқча», «Сичқон», «Тойчоғим», «Қоптокчам» сингари шеър ва декломацияларни, «Мушук, хўроз ва тулки», «Телефон» каби кичик-кичик ҳикояларни ўрганиб олдилар.

Бу боғчада тарбияланаётган ўғил ва қизнинг 30 га яқини шу йил сентябрь ойида мактаб қўчоғига узатилади.

Т. ҲАКИМОВ.

СОВҒА

Тўгарак советининг бошлиғи Л. Газитдинованинг таклифи болаларга маъқул тушди.

— Жуда яхши ўйлабсан, Лола, — деди Озод. —Кубалик болалар биздан кейин саройимизда «Дўстлик ойи» бошланади. Озодлик ороли болаларига тортиқ этадиган совғаларимизни ҳидди шу ойда юборсак кўнгилдагидек иш бўлар эди-да.

«Озодлик оролига ким қандай совғалар ҳозирлайди?» деган савол болаларни бироз ўйлантириб қўйди.

— Пионер саройимиз ҳаётини акс эттирувчи фотоальбом тайёрласак, бунга нима дейсизлар? —Лола болаларга савол назари билан қаради. Кейин жавоб кутмай сўзида давом этди. —Бу альбом учун жуда яхши расмлар бор. Альбомга саройимизнинг қисқача тарихини ҳам ёзиб қўямиз. Буни ўқиб кубалик болалар саройимиз ҳақида яхши тушунча ҳосил қилишади.

Ўша куни болалар бошқа совғалар ҳақида ҳам келишиб олишди. Ҳаваскор наққошлардан Анвар Пўлатов билан Мўмин Султоновлар ўзлари ишлаётган рамкали нақшни совға ўрнида юборишни лозим топишди. Чевар қизлар эса миллий кийимларни ҳадя этишмоқчи бўлишибди. «Ўзбекистон пахтаси», «Ўфорий» каби мусиқа нотолари ҳам совға қилинадиган бўлди.

Бундан уч-тўрт ой муқаддам «Пионерская правда» газетасида ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. И. Журавлёванинг мақоласи босилиб чиққан эди. Ўртоқ Журавлёва мақолада Кубага бораётганлигини, кубалик болаларни Совет Иттифоқидаги пионер саройларининг ишлари жуда қизиқтираётганини ҳикоя қилиб берганди. Мақолани ўқиб Курск, Краснодар пионерлари ўз ишлари ҳақида кубалик болаларга хат ёзишиб юборишди. Дўстлик совғалари ҳам ҳадя этилди.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли Республика пионер ва ўқувчилар саройи тўгарак аъзолари ҳам бу ташаббусга биринчилар қаторида қўшилдилар.

«Кубалик дўстларимизга совға» деб номланган совғалар асосида кўргазма ташкил этилди. Экспонатлар ҳаммага манзур бўлди.

Орадан кўп ўтмай дўстлик совғалари Озодлик оролига юборилди. Ҳозир тошкентлик пионерлар жавоб хати кутишяпти. Ҳа демай кубалик пионерлардан миннатдорчилик хати олинади. Тўрган гап, янги дўстлар ўзларининг ажойиб ишлари, фаровон турмушлари ҳақида ёзишади.

А. АБДУВАЛИЕВ.

НУРИ ДИЙДАМИЗ

Она билан бола — гул билан лола. Она қалби фарзандга пайванд. Шунинг учун биз фарзандни ота-онанинг қувончи, бахти деймиз. Шунинг учун ота-она ўз фарзандини севиб ардоқлайди, меҳр билан вояга етказади.

Болалик — бахтиёрлик, қувноқлик ва ширинлик демак! Аммо, капитал ҳукмрон бўлган мамлакатларда болаларнинг аҳволи жуда оғир. Улар қорни тўйиб нон емайдилар. Уларда нима гуноҳ?!

Қай куни радиодан бир хабарни эшитдим. Бечора болаларга раҳмим келиб кетди. Гап мозамбикалик болаларнинг аянчли аҳволи ҳақида борарди. Қора танли болалар эмасми, уларга оқ танлилар раҳм-шафқат қилишмас экан. Уларнинг меҳнат куни 14-15 соатни ташкил этар экан. Меҳнатлари эвазига тўланадиган ҳақни айтмай қўяқолай. Оқ танли ишчига қараганда 15-30 марта кам пул олишади. Бу пуллар тўртта автобус билети пулига тенг. Шунинг учун қора танлилар автобусларда юришмайди.

Бизда эса аҳвол тамоман бошқача. Бола ёшлигидан катта ғамхўрлик билан қуршаб олинади. Миғлаб ясли ва боғчалар шу кичкинтойларимиз ихтиёрида. Мактаб ёшига тўлган болалар билим олишади.

Мен ҳам миллионлаб бахтиёр оналардан бириман. Ҳозир менинг етти фарзандим бор. Ҳаммаси ўқимишли, невараларим боғчага боришади. Катталари эса мактабда ўқийди. Бундан ортиқ бахт борми, дунёда!

Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни арафасида ана шундай чексиз ғамхўрлик учун, бахтли оналик ва болаликни яратиб берган партия ва ҳукуматимизга яна бир бор чин юракдан раҳматлар айтгинг келади.

Т. ЮСУПОВА,
кўп болали она.

СУРАТЛАРДА: 1. республика ёш табиатшунослар станцияси қошидаги тўгарак қатнашчиларидан бир группаси (чапдан) М. Қўчқорова, Т. Шишкова, Т. Мурчибоева, М. Ирисбоева Т. Соколова ва Н. Смулиналар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

2. Ёш сабзавотчилар тўгараги нинг аъзолари Р. Орипов ва А. Набиевлар ўқитувчи С. Мусаев раҳбарлигида ўзлари экиб ўстираётган карамни парвариш қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

СОЦИАЛИЗМ ФАЗИЛАТИ

▲ Совет Иттифоқидаги 10 миллионга яқин бола ўтган йили болалар боғчалари, яслилари ва соғломлаштириш майдончаларида тарбияланди.

▲ 1963 йилда мамлакатимизнинг мактаб-интернат ва мактабларида 2,4 миллион бола ўқиди. Бу 1962 йилдагига нисбатан 360 минг кўпдир.

▲ Болалар ҳамда мактаб ўқувчилари учун мамлакатимизда ҳар йили 170 миллион нусхага яқин китоб босилади.

▲ СССР да 32 минг ақушер-гинеколог, 65 минг болалар врачи бор.

▲ Ўтган йили саккиз йиллик мактабларни 3 миллиондан ортиқ, ўн йиллик ва ўнбир йиллик мактабларни эса 900 мингга яқин ўқувчи битириб чиқди.

▲ Ер юзида 1 миллионга яқин бола очлик ва турли хил касалликларга маҳкум этилган. Болалар ва ўсмирларнинг ярмидан кўпроғи саводсиз.

▲ Илғор капиталистик мамлакатларда 10-14 ёшдаги ҳар 12 боланинг бири, кам тараққий этган мамлакатларда эса ҳар уч боладан бири ишлаб чиқаришда банд.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТИ

▲ Латин Америкасидаги болаларнинг ярмидан кўпроғи мактаб нималигини билмайди. Бу қитъада ҳар йили юз минглаб бола очлик ва турли хил касалликлардан ўлади.

▲ АҚШ да 3 миллион 96 минг негр боласидан атиги 247 минг бола мактабга қатнайди. Жанубдаги 5 та штатда эса ўқийдиган қора танли болалар сони 800 га ҳам етмайди.

▲ Кам тараққий этган мамлакатларда болалар ўртасида ўлиш илғор капиталистик мамлакатлардагига нисбатан ўн баравар ортиқдир.

▲ Иқтисодий жиҳатдан ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳар 700 минг кишига бир врач тўғри келади.

▲ Марказий Африка мамлакатларида мактаб ёшидаги болаларнинг атиги 16-20 процентигина ўқийди. Анголада эса ана шу ёшдаги болаларнинг 80 проценти мактабни кўрмаган.



ФАРЗАНД

Фарзандлар умрига қиёсдир жаҳон,
Ёшлик баҳорига ҳосдир бу жаҳон.
Ҳаёт боқийлиги фарзандлар билан,
Бўстон гўзаллиги пайвандлар билан.
Ҳар киши фарзандин кўз нурим, дейди,
Ўзидан сўнг қолган ўз умрим, дейди.
Лекин бу жаҳонда шу боқий ҳаёт,
Ҳар элда кулмаган бирдай, умрбод.
Капитал калхати чанг солган эллар
Гуллари хазонрезг умрига йиғлар.
Занжирбанд ниҳоллар зулм қурбони,
Семирар бойларнинг ундан ҳамёни.
У ваҳшат масканда баҳор, боғ бўлмас,
Фарзандлар доғидан ёмон дов бўлмас,
Баҳорга монанддир бизда ёш насл,
Абадий гуркираб, қучган гул фасл.
Уларнинг измида Ватан тупроғи,
Уларнинг қўлида тинчлик байроғи.
Табаррук ишларин космос қучмоқда,
Саҳролар ардоқлаб гуллар сочмоқда.
Меҳри-ла нур қучиб, олам мунаввар,
Қуёшни севгандек унга интилар.
Фарзандлар яратар ҳаёт кўкламин,
Азми-ла яшарар бу қадим замин.
Фарзандлар бор бўлсин, бахтиёр бўлсин,
Йўллари ҳамиша гул баҳор бўлсин.

НАЗАРМАТ.




Ер юзида афсуски, ҳали ҳам инсонларни таҳқирлаш, қул сифатида сотишдек шармандалик ҳоллар учраб туради. Капитал бандалари учун қора танлиларнинг бир чақачалик қадр-қиммати йўқ. Ҳозир Аравия ярим оролининг жанубида қора танли болаларни қул қилиб сотиш авжига минган. Сиз кўриб турган бу суратдаги эрк, ҳуқуқ, шодликдан маҳрум этилган бегуноҳ, нораста болалар ҳам қуллик исканжасида азоб чекишяпти.

Сурат инглиз «Пипл» газетасидан олинган.

Тинч ҳаёт гулбоғида
Ниҳол каби безавол,
Яйраб-яшнаб улғаяр
Шу замона эркаси.
Бахту эрки, севинчи
Келажаги барқарор,
Қуёш янглиғ равшандир
Бу авлоднинг эртаси.

БУГУН ТОШКЕНТ МАСТЕРЛАРИ КУНИ

МАСТЕР — УСТОЗ ВА ТАРБИЯЧИ



Суратда: ўртоқ Ю. Ахмедов.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Пойтахтимиз саноат корхоналарининг меҳнатсевар коллективлари халқимиз ҳаётидаги катта воқеа — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани янада кенг қулоч оттирмоқдалар. Шу туфайли ҳам саноатчиларимиз мисли кўрилмаган катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик плани 103,9 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган план эса 103,5 процент адо этилди.

Давлат плани ва олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида, ёш ишчиларни тарбиялашда қуйи ишлаб чиқариш ташкилотчилари-мастернинг роли бениҳоя катта бўлаяпти.

Шу кунларда пойтахт саноат корхоналарининг кўп минг кишилик коллективларига 7 мингдан ортиқ мастер раҳбарлик қилмоқда. Улар ишчилар оммасини меҳнатда янги зафарларга чорламоқдалар. Корхоналардаги бошланғич партия ташкилотлари мастерларнинг раҳбарлик ролини янада оширишга айниқса катта эътибор бермоқда. Бу соҳада Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш» заводи, пайпоқ-трикотаж, 1-пойафзал фабрикалари партия ташкилотларининг фаолиятлари мақтовга сазовордир.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия ташкилоти мастер кадрларни танлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ва маънавий савиясини оширишга катта эътибор бермоқда. Ҳозирги вақтда комбинатдаги 200 га яқин мастердан қарийб 60 киши олий маълумотга, 100 га яқин киши эса махсус ўрта-техник маълумотга эга.

Катта иш тажрибасига эга бўлган, аммо махсус маълумоти бўлмаган мастерларнинг малакасини ошириш учун комбинатдаги кечки мактаб қошида мастерлар учун 3 йиллик курс очилган. Комбинат партия комитети корхона маъмурияти билан биргаликда махсус ўқиш планини ишлаб чиқди. Бу планга кўра 1970 йилга қадар барча инженер ва техник ходимнинг олий-сиёсий маълумотга эга бўлиши мўлжалланган.

Комбинат партия ташкилоти инженер-техник ходимларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошира бориш мақсадида мунтазам равишда «Мастер куни», «Мастер соати» ҳамда турли назарий конференциялар ўтказмоқда.

Пойтахтимизнинг саноат корхоналарида кўп йиллик тажрибага эга бўлган мастерлар билан бир қаторда ёш ишлаб чиқариш ташкилотчилари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, ажойиб тарбиячи ҳамда моҳир ташкилотчилик қобилияти билан ишчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. «Ташсельмаш» заводидан Мустақим Юсупов, Елена Антоновна Петрунайтес. 1-пойафзал фабрикасидан Салим Собиров, пайпоқ-трикотаж фабрикасидан В. Лазарева, химия-фармацевтика заводидан С. Вацина, Х. Тошмуҳамедова каби мастерлар коллектив ҳурматини қозонган кишилардир.

«Ташсельмаш» заводи 15-цехининг гальваник участкаси мастери Елена Антоновна Петрунайтес ишлаб чиқариш командиригина эмас, актив жамоатчи ва рационализатор сифатида ҳам танилган.

КПСС аъзоси, моҳир мастер, ажойиб ташкилотчи ва тарбиячи Мустақим Юсуповнинг номи пойтахтимиздаги бошқа саноат корхоналарида ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Мустақим Юсупов 1938 йили заводга оддий ишчи бўлиб келди. Ўзининг меҳнатсеварлиги, зўр қунт ва идроки ҳамда моҳир ташкилотчилиги туфайли оддий ишчиликдан ишлаб чиқаришда ҳал этувчи фигура — мастерлик лавозимигача кўтарилди.

М. Юсупов раҳбарлик қилаётган участка маҳсулот ишлаб чиқариш планини муттасил ортиғи билан бажаради. Юсупов мастер сифатида ёш ишчиларни касбни севишга ўргатади, улар билан самимий суҳбатлар ўтказиб туради.

Шуниси қувончлики, пойтахтимиздаги қатор саноат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари эндигина институтни битириб келган ёш мутахассисларни тарбиялаш ҳамда уларни узоқ йиллик меҳнатдан сўнг дам олишга чиққан ҳурматли меҳнат ветеранлари ўрнига тайёрлаш ишига катта эътибор бермоқдалар.

Ҳалима Тошмуҳамедова 1959 йилда Тошкент фармацевтика институтини муваффақиятли битиргач, пойтахтдаги химия-фармацевтика заводига йўлланма олди. Ҳалима даставвал контролёр бўлиб ишлади. У меҳнатсевар ва қобилиятли инженер сифатида ўзини кўрсатди. Завод раҳбарлари уни мастер вазифасига тайинладилар. Шу кунларда Ҳалима химия цехида старший мастер бўлиб ишламоқда. 1961 йили ёш мастернинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Завод коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилишди. У ишлаётган цех корхонада биринчилар қатори коммунистик меҳнат коллективи номини олишга муваффақ бўлди.

Шу кунларда шаҳар саноат корхоналарида қизғин меҳнат кўтаринкилиги янада авж олди. Юбилейни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа борган сари қизитилмоқда.

Тошкент саноати ходимлари 1964 йилда юксак социалистик мажбурият олганлар. Корхоналарнинг меҳнаткашлари ўз ички резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бу йил ўтган йилдагига нисбатан 300 та терим машинаси, 5000 трактор, 60 та экскаватор, 4700 дона трактор прицепини кўп ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Ишлаб чиқариш ташкилотчилари — мастерлар ҳам пойтахтимиз саноат ходимлари олдида турган юксак вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Корхоналардаги боғланғич партия, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотлари бу соҳада уларга яқиндан ёрдам бераётирлар.

С. ОРИФБОЕВ.
Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори.



«Ташсельмаш» заводининг старший мастери Маҳмуд Абдуллажонов ҳам ишлаб чиқариш командири, ҳам моҳир тарбиячи. У раҳбарлик қилаётган участка аъзолари коммунистчасига яшаб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: ўртоқ М. Абдуллажонов (ўртада) корхона ёш мастерларидан А. Сайфуллаев (чапдан), Н. Нахалов, С. Жайсанбеков ва Ш. Неъматуллаев ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯХШИДАН ОТ ҚОЛАР

Мана, салкам бир йил бўлдики, Назира умр йўлдоши Юсуфнинг ишидан кўнгли тўлмайди. Рост-да, шундан бошқа иш йўқми, унга? Юсуф ҳар куни эрта кетиб, ярим кечада қайтади. Ҳамма бир сменада ишласа, у икки сменани тамомлаб келади. Иши тинчроқ бўлса ҳам бошқа гап эди. Ёзда чанг ютиб, қишда лойга ботиб, далама-дала кезиб юргани-юрган. Бунақа экан, институтда беш йил ўқиб нима қиларди? Бир столда ўтириб, тинчгина инженерлигини қилаверса, бировнинг мушугини пишт дейдими? Йўқ. Юсуф ҳаётдан ажралиб қолишни хоҳламасмиш.

— Ўз ишингизни ташлаб, мастерлик қилмасангиз бир нима бўлармиди,— деди бир куни Назира куйиб-пишиб.— Менга ачинмасангиз ҳам ўзингизга раҳмингиз келсин. Қаранг, кўзларингиз киртайиб, бир ҳолатда бўлиб қолибсиз..

Юсуф индамасдан остонада туриб туфлисининг ипини тақди-да, хотинига қараб жилмайиб қўйди.

— Инженер мастер бўлмасин деб қаерда ёзган?

— Бўлмаса далама-дала чанг босиб юрсин деб ёзганми?— Назира бу гапни Юсуфга эмас, ўзгачасига қараб гапирди. Шунинг учунми, овозидаги қатъият эркалаш оҳанги билан аралашиб кетди.

Юсуф эшикни очди-ю, лабини чўччайтириб Адҳамжонни эркалаб қўйди.

— Назира, ўша чанг босган далаларда изимиз қолаяпти-ю, ахир,— деди у эшикдан чиқиб кетаркан.

Назира индаёлмай қолди. Юсуфнинг одати шунақа ўзи. Икки оғиз ширин гап билан шахтидан қайтариб қўяди одамни.

... Назира ҳам ёш бола эмас. Унинг ҳам ўз касби бор: химия-фармацевтика институтини битириб, неча йилдан бери аптекада ишлайди. Шундоққу-я, лекин...

Юсуф Сурхондарёга олиб кетиб қолганида ўн беш кунлик келин эди у. Энг аввал шаҳарда ишлашди. Назира ҳам аптекада ишлаб юрди. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас Китоб районига кўчишди. Бир жойда турсалар ҳам майли эди. Гоҳ у колхозга кўчиб боришади, гоҳ бу колхозга. Қурилаётган мактабми, интернатми, колхоз клубими—битади-ю, яна бошқа жойга кўчишади. Ишқилиб бир ярим йил ичида йигирматача жойга кўчишди шекилли! Назира Юсуфнинг ши шароитини ўйлаганда кўнгли ўксиб кетарди. Чўлнинг қоқ ўртасида қўққайиб турган ёғоч уйчада ўтириб, чизмалар чизади, тунроқ кечиб, машиналарнинг кетидан югуриб юради, одамларга йўл-йўриқ кўрсатади. Бошида минг хил ғалва, минг хил ташвиш... Ҳар битта янги бино қуриб битказилган куни Юсуф учун тўй бўлиб кетади. Назира ҳам унинг қувончига шерик бўлади. Уй қуриш саховатли иш эканини билади. Лекин Юсуфга ачинади...

Назира ўшанақа майда-чуйда ташвишлардан қутилишга аҳд қилгандек Адҳамжонни осмонга ташлаб эркалади. Бу ҳам чўлдан қолган ёдгорлик. Китоб районида, колхоз туғруқхонасида дунёга кўрган. Рост, улар чўлда кўп ёдгорликлар қолдириб келишди. Юсуф рост айтади: далаларда уларнинг изи қолган...

* * *

... Юсуф ҳам чанг билқиллаган йўлдан шошапиша юриб бораркан, ўзи қолдириб кетаётган изларга қараб-қараб қўярди. Қурилишни биринчи бўлиб унинг участкаси бошлайди. Ҳар бир янги бинога шулар пойдевор қўйишади. Мана, у бетон плиталар ётқизилган дала йўлидан бораяпти. Қишда бу ерлардан юриб бўлмасди. Машиналар ботиб қолмасин деб плиталар ётқизишганди, ўшанда. Барибир, лой билан чангдан қутилиб бўлмайди. Қачон бино битказилиб уйининг атрофига гуллар ўтказилади-ю, ҳамма ёқ озода, кўркам бўлиб кетади.

Участкадаги қурувчиларнинг касби ҳам, ёши ҳам ҳар хил. Кекса бетончи Қосимжон ака Боқиев билан кечки ишчи-ёшлар мактабини эндигина битираётган Собир Абдуалимов икки хил одам. Бири ҳар қадамини қаричлаб босса, иккинчиси сал нарсага тажанг бўлади. Лекин иккови ҳам кўпчилик учун жонини фидо қилади. Анатолий Нагорний бошлиқ бетончи-монтажчилар коммунистик меҳнат бригадасида ҳам ҳар хил одамлар ишлайди. Тажрибали монтажчи Геннадий Агеев билан Степан Горбуновни ҳеч қачон бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. Бирининг суяги меҳнатда қотган, иккинчиси яқиндагина ҳунар ўрганди. Лекин иккаласининг ҳам мақсади бир...

Одамларни ўрганиш, улар билан ҳамдард бўлиш ҳам бир мактаб — ҳаёт мактаби бўларкан.

... Юсуф ғиз суви дўконига ўхшаган каталакдек ёғоч уйга кириб келди. Тахтадан нариданбери ясаб қўйилган стол ёнида кепкасини қошигача бостириб ўтирган Олим Ғафуров унинг саломига жавобан бош силкиб қўя қолди. Юсуф тахта деворга осиб қўйилган бир чеккаси учган ойнага қараб, кулиб юборди. Чанг босган қошкиприклари орасидан кўзлари милтиллаб кўринарди.

— Ўртоқ мастер, пардозни кейин қиласиз,— деди Олим ачитиб.— Бетончилар бояқдан бери қўлини бирнига тиқиб ўтиришибди.

— Нега, нима қилди?

— Битум йўқ, битум!

— Шундоқ демайсизми?.. Ҳозир топамиз...

... Юсуф, бу ерда телефон бўлмагани учун, дуч келган машинани тўхтатиб, бошқармага борди. Бошқарма партия ташкилотининг секретари Леонид Иванович Мартиничевнинг ёрдами билан беш машина битум олиб келди. Кечга яқин бетончилар яна бир бинонинг пойдеворини қўлдан чиқардилар. Бу — йил бошидан бери қурилган тўққизинчи бинонинг пойдевори эди.

Иккинчи смена бошланганида ҳам Юсуф тинч ўтиролмади. Собир Абдуалимов имтиҳон топшираётган экан, Отпуска олиб бериш керак. Алёша Свичинскийнинг уйини бориб кўришмаса бўлмайди. Янги уйга кўчирингиз деб ариза берганига анча бўлди.

Хуллас, бугун ҳам Юсуф кун ботганда ишдан қўли бўшади... Қозибобод билан Чилонзор бир-бирига туташиб кетган жойлар. Шунинг учун Юсуф доим пиёда юради. Бугун ҳам шундай қилди. У дераза-ларига гулдастлар қўйилган уйлар ёнидан ўтиб бораркан, шу биноларни қуришда Юсуф Аҳмедов деган оддий бир мастернинг ҳам заррача улуши борлиги билан фахрланарди.

... Назира бугун ҳам Юсуфни ҳар сафаргидай куйиб-пишиб, лекин қувонч билан кутиб олди.

Ў. ХОШИМОВ.
153-трестга қарашли 2-қурилиш бошқармаси.

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Тошкент тўқимачилик институтини янги битириб келган кезларим 2-йигирув фабрикасига мастер қилиб тайинлашди. Дастлаб ишни нимадан бошлашни билмай бироз бошим қотди. Ахир мастер ташкилотчи, тарбиячи ва ишлаб чиқариш командири бўлиши керак. Мен бўлсам бу соҳада дастлабки қадамларимни қўяётирман. Лекин мени ўз ҳолимга ташлаб қўйишмади. Кекса мастерлар, тажрибали тўқимачиларга шогирд бўлдим, билмаганларимни ўргандим.

Фабрикамизда иш технологияси анча мураккаб. Агарда пахта тозалаш заводидан келтирилган «оқ олтин» яхшилаб титилмаса, пахта ўрамига айлантирилмаса бундай вақтда қолган иш процессларининг бажарилиши қийинлашади. Кўп ҳолларда брак маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади. Дастлаб ишнинг сифатига эътиборимни қаратдим. Пахта титувчилардан Э. Шукуров, М. Холмўминов, мойловчи Х. Қудратов, пахта аралаштирувчи Ш. Гареева ўртоқлар ишини зимдан кузатдим. Улар фақатгина сон кетидан қувиб сифатга жиддий эътибор бермаётганликлари ни ни аниқладим. Дарҳол камчиликларини кўрсатдим, маслаҳатлар бердим. Улар энди ҳам салмоқли, ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Шу кеча-кундузда сменамиз аъзолари нормага



қўшимча равишда 600—700 килограмм пахтани титиб саралашаяпти.

Сменамизда бир жойда тўхтаб қоладиган кишилар йўқ. Улар доимо ўз билимларини ошириш устида қайғурадилар. Мен ҳам ҳамкасбларимизнинг ўқиши устидан доимо назорат қилиб турибман. Яқинда Раҳимов ва Холмўминов ўртоқлар менинг маслаҳатим билан Тошкент тўқимачилик институтига ўқишга киришди. Шукуров ва Қудратов ўртоқлар ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини оширишяпти.

Мастер фақатгина ишлаб чиқариш командири эмас, балки тарбиячи ҳамдир. Яқинда қизиқ бир воқеага дуч келдим. Йўлдош Зиёдов фабрикамизга титувчи бўлиб ишга кирди. Лекин у нимагадир ўз касбига эътиборсизлик билан қараётганлигини сезиб қолдим. Дарҳол юракдан суҳбатлашишга жазм қилдим. Маълум бўлишича И. Зиёдов титувчиликни эмас, пахта титиш агрегатига пахта тойини ўрнатувчилик касбини ёқтирар экан. Истагини бажардик. Ҳозир у ўз севган касбида ҳалол меҳнат қилмоқда.

Комбинатимизда мастерларга чинакам ғамхўрлик қилинмоқда. Корхонада «Мастерлар куни», «Мастерлар совети» мунтазам равишда ўтказиб турилади. Ёш мутахассислар бу йиғилишларда турли темаларда доклад ва лекциялар билан чиқмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган «Мастерлар куни»да мастерлардан Тўйчибоева, Исломов, Шевелева, Родионов ўртоқлар «Меҳнаткашлар маданий даражасини оширишда мастернинг роли», «Мастер — ўз коллективининг техник раҳбари, ташкилотчиси ва тарбиячисидир», «Ишлаб чиқариш тўғиш ва пардозлашда хомашёдан унумли фойдаланиш» деган темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказдилар, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Бу жонкуярлар комбинатда эришилаётган ғалабаларга ғалабалар қўшишяпти. Республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашда командирлик қилишяпти.

Уткир УМАРБЕКОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикасининг смена мастери.

КАТТА ҚАЛБ ЭГАСИ

Биз ўз сменамиз мастери Тилла Йўлдошевни устоз деб биламиз, уни чексиз ҳурмат қиламиз.

Мен унинг қўлида кўпдан бери ишлайман. Тилла акадан қандай ишлашни ва яшашни ўргандим. Унинг сўзига кирган, таълимини олган кишилар кам бўлмаяпти. Буни мен биргина мисол билан изоҳлаб бермоқчиман..

Сменамизга Абдулла Икромов деган кишини қабул қилган эдик. Коллективимизнинг янги аъзоси 3—4 кун ишлаб ишлаб юрди-ю, сўнг «ҳунар» кўрсата бошлади. У бир куни сменага келмади. Ҳаммамизнинг ўз ўрни, қиладиган иши бор-да. Сменамиз аъзолари бирмунча қийналиб қолдилар. Иш тугагач, таъналар тиғини мастерга қаратдик.

— Абдуллани сафимизга олиб, хато қилдик, Тилла ака, — гап бошладим мен.

— Яхши бўлса, бошқа сменадан ҳайдалармиди! — пичинг қилди Котов.

— Уни одам қиламан деб, мастеримизнинг бошида сочи қолмайди, мана кўрасизлар, — кесатди Кадиков.

Мастеримиз таъналаримизни диққат билан тинглагач, ҳаммамизга битта жавоб қайтарди:

— Ҳали ёш. Тарбияласак, ақли киради қолар.

Абдулланинг ақли ҳа деганда киравермади. Жиғимизга тегадиган қилиқларини тарк этмади. Бир куни уни база складидан материал олиб келишга юбордик. Ҳали пойлаймиз йўқ, ҳали пойлаймиз йўқ. Шу куни цехда Абдулланинг қораси кўринмади.

Уни эртаси куни кўрдик. Икромов кеча қаттиқ инчаниган боши оғриб ишга қўли бормади. Мастердан жавоб сўради.

Ҳеч қайсимиз кетишига рози бўлмадик. У сменани бир амаллаб тугатди-ю, ҳеч биримизга қиё боқмай бир зумда қаёққадир ғойиб бўлди. Эртасига яна дараги бўлмади. Сменадагиларнинг тоқати тоқ бўлаёзган эди.

Кечқурун мастер икковимиз Абдулланинг уйига бордик. Уйда Икромов йўқ эди. Эртасига у яна цехда кўриниб қолди.

— Кеча қаерда эдинг? — сўради мастер.

Икромов индамади.

— Яна бошинг оғриётгандир?

— Топдингиз, касал бўлиб уйда ётгандим, — жавоб қилди Абдулла.

— Ёлғон гапирма. Уйингда йўқ эдинг.

Икромов енгилган эди. Ҳаммамиз энди унинг баланд келиши учун бирон дуруст баҳона топа олмаслигини сезиб турардик.

— Ғўзам соғлом ўссин деган деҳқон ёввойи ўтни илдизи билан юлиб ташлайди, — деди Кадиков.

— Абдулланинг таъсири бошқаларга ўтмасдан туриб, вақт борида паттасини қўлига тутқизиш керак.

Бу галги жанжалимизда мастер лом-мим демади.

Кейинги куни Абдулла сменага ҳаммамиздан олдин келибди. Астойдил ишларди. Нима бўлганини билмасдан бир-биримизга қараб қўярдик. Мастер унинг олдига тезтез келиб-кетар, ҳар келганида қисқа-қисқа саволлар берарди.

— Кайналмаяпсанми?

— Ҳар ҳолда осон эмас.

— Ҳеч қиси йўқ. Кўникиб кетасан. Шуни ҳам унутмагинки, сен ишга келмай кайф-сафодан бош кўтармай юрган пайтингда ўрнингга ўртоқларинг кўпроқ тер тўкишди.

Абдулла Икромовнинг тўсатдан мўмин-қобил бўлиб қолганлигининг сабабини кейин билдик. Дам олиш куни Тилла Йўлдошев Абдулланинг уйига борибди. Икромов мастерни илиқ кутиб олибди. Икковлари юракдан гаплашибдилар.

Мастернинг одамларга қандай муносабатда бўлишини яхши биларди. У заводга бундан 21 йил муқаддам келган. Ўша пайтларда аҳвол оғир эди. Бир томонда уруш. Фронт орқасида эса ишчи кучи етишмас, ҳар бир ишчи 2—3 сменада меҳнат қиларди. Тилла ака кўпни кўрди: турмушнинг лаззатини ҳам тотди, аччиқ-чучугини ҳам. 16 йил станок ёнида ишлади. Мана ҳозир биргина цехимизда эмас, балки бутун корхона коллективи ўртасида ҳам ўзига ярашур ҳурмат, эътиборга эга.

Ўша куни Тилла ака Абдуллага нималар деганини сўраб ўтирмадик. Фақат бир нарса аён эди: мастеримиз Абдуллага ўз таъсирини курсата олганлигини кўриб турардик.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Сафимиз яна бир илғор ишчи ҳисобига кенгайди. Абдулла биз билан ёнма-ён туриб астойдил тер тўкиб ишлайдиган бўлиб қолди. Орадан кўп ўтмай сменамиз коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлди. Цехимизнинг ҳурмат тахтасига «Социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллагани учун» деб ёзиб қўйилган қизил вимпел осилди.

Ҳозир сменамизда илгаригидек жанжал бўлмайди. Барчамиз аҳил ва иноқ ишлаётирмиз. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» принципи эътиқодимизга айланган.

Шуларнинг ҳаммасида меҳрибон устозимиз, жонкуяр мастеримиз, яхши ўртоғимиз Тилла Йўлдошевнинг хизматлари катта. Шунинг учун уни ҳурмат қиламиз.

Ў. ШАМСИМУҲАМЕДОВ,
«Ташсенткабель» заводининг ишчиси.

БОҒЛАРДА — БАЙРАМ НАШЪАСИ

Ҳар байрамнинг ўз гашти, ўз нашъаси бор. Бугун — мастерлар куни яна тантана. Пойтахтимизнинг оромбахш боғларига киринг — гул сайлини, гўзал хиёбонларида яйраб-яшнаб юрган ёш-яланғларни. Ўриндиқларда ўтириб, ўтган-кетганларни завқланиб кузатаётган табаррук кексаларни кўрасиз. Булар — оддий инсонлар, меҳнат кишилари, шаҳримиз саноат корхоналарининг мастерлари тантана қилишяпти.

Кеча шаҳар халқ филармониясига пойтахт завод ва фабрикаларининг энг илғор мастерлари йиғилишган эди. Меҳнатда ҳам, машиний тармушда ҳам барчага ўрнак бўлаётган устозлар Тошкент шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Мастерлар ўз иш тажрибалари ҳақида ҳамкасбларига ҳикоя қилиб бердилар.

Бугун бўлса тантаналар байрам нашъасига уланиб кетади. Ҳар бир район мастерлари учун алоҳида боғлар ажратилган: Чилонзор районининг мастерлари Ленин комсомоли паркида, Октябрь районининг қуйи ишлаб чиқариш командирлари Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида, Ленин район вакиллари эса Горький номли паркда байрам қиладилар.

Шаҳар умумий овқатланиш ташкилотларининг ходимлари бўлса мастерларни лаззатли таомлар билан меҳмон қиладилар. Пойтахтдаги Халқ филармониясининг санъаткорлари корхоналарнинг бадиий ҳаваскорлари мастерлар хизматида бўлишади.

Марҳабо, ҳурматли мастерлар. Роҳат қилиб дам олинг. Байрамингиз яхши ўтсин.

М. ЗАРИПОВ.

Саноат САҲИФАСИ

ЮБИЛЕЙ ҚУРИЛИШЛАРИ

ЕР ОСТИДА КЎЧАЛАР



Суратда: (чапдан) старший инженер Р. Еникеев, инженер Б. Баранов ўртоқлар бўлажак туннель қурилишини кўздан кечирмоқдалар. А. Тўраев фотоси.

Айтайлик, сиз қаёққадир шошиб кетаётирсиз. Машина кенг ва равон асфальт йўлдан тез боради. Темир йўлга яқинлашгач, у тапа-тақ тўхтайди. Йўл берк: поезд ўтаяпти. Аксига олгандай йўл анча вақт очилмайди. Бунинси ҳам майли-я, бир зумда машиналар қаторлашиб кетиб, йўл ҳаракати тартибн бузилганлигини айтмайсизми?!

Темир йўл билан кўча кесишган жойда ҳаракатни тартибга келтириш иложи йўқмикан? Иложсиз нарса борми, албатта, йўлини топиш мумкин. Пойтахтимизнинг Карл Маркс кўчаси медицина институти яқинида темир йўл билан кесишади. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, бу йўллар бир-бирига тўсиқ бўлмайди.

Ҳозирча бу жойда туннель қазиш ишлари давом этмоқда. Шу кунларда туннель қурилишига борсангиз, қизғин иш устидан чиқасиз.

Қурилишнинг бошланганлигига бир ойча вақт ўтди. Шунга қарамай, кўзга кўринарли ишлар қилинди. Ҳозир ер қазиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳаммаси бўлиб 50 минг кубометр хажмда тупроқ қазилиши керак. Шунча ишни механизация кўмагига таянмасдан туриб амалга оширибўлмасди! Иккита экскаватор, тўртта бульдозер, ўн бешдан ортиқ юк машинаси тинимсиз ишлаб турибди. Экскаватор машинисти А. Лукьянов кетма-кет етиб келаётган машиналарга тупроқни тезкорлик билан ортиб бераётир. Бульдозерчи Р. Кравт ер ниша-бини тўғрилаяпти.

Қурилишни «Таштрансспецстрой» трестининг биринчи бошқармаси, «Союзтелефонстрой» ишчиларн ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари олиб бормоқдалар.

Туннелнинг узунлиги 600, кенглиги 37 метр бўлади. Унинг ичида иккиёқламали йўл қурилади. Автобус, трамвай ҳаракати ва пиёда йўловчилар учун алоҳида йўллар бўлади. Туннель ичи электрлаштирилади. Устидан поезд бемалол ўтаверади.

Пойтахтимизнинг Театр майдони ёнида ҳам шундай туннеллардан яна бири қурилаётир. Ҳозир бу жойда ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Икки экскаватор, 12 автомашина ишга сафарбар қилинган. Икки сменада ишлаш ташкил этилди. Экскаваторчи Е. Кардаш, шоферлардан В. Шамонов, Е. Шчербаков ва бошқалар дастлабки кунларданоқ юқори унумли меҳнат қилишмоқда.

Бу туннелни қуришда тошкентликларга ёрдам бериш мақсадида «Ленинградстройметрополитен»нинг бир группа мутахассислари келишди. Улар ҳам эрта-индан ишга киришадилар.

Бу ҳар иккала ер остидаги кўчалар Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллик тўйи арафасида тошкентликларга энг яхши совға бўлади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.



Мактабларда имтиҳонлар бошланди. Ўқувчиларнинг йил бўйи олган билимларига синов пайти келиб етди. Улар имтиҳонларни тугаллагач шу серфайз ёз қучоғида яйраб дам оладилар, янги ўқув йилига янги куч-ғайрат тўплайдилар. Сиз бу суратда пойтахтимизнинг Киров районидаги 20-мактабда 8-синф ўқувчилари алгебрадан имтиҳон топшириш аётганларини кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ТЕМИР ЙЎЛЧИНИНГ ЖАСОРАТИ

СУХУМИ. Машинист Сулаймон Одлавадзе Сухумидан чиққан оғир юкли составни Адлер томон бошқариб борарди. Электровоз 2024-километрга яқинлашгач, машинист муюлишдаги темир йўл устида уч боланинг ўйнаб юрганини кўриб қолди.

Унинг кўли бир зумда тўғридан-тўғри ишлайдиган тормозга борib теди. Орадан бироз дақиқа ўтгач, машинист запас тормозни ҳам ишга солиб юборди. Электровознинг ташвишли овози еру-кўкни тутди, болаларни қўрқитиб юборди. Улардан иккитаси йўлдан пастга тушиб кетишди. Бироқ энг кичиги эса из устига бамайлихотир ўтириб олиб, тобора тез яқинлашиб келаётган поездга кўл силкир эди. Фожианинг олдини олиш мумкин эмасдек кўринарди. Шу заҳотиёқ Сулаймон ягона қарорга келди. У ўз шеригн Георгий Томадзега контролёр ўрнини топширди-да, ўзини ўнгга ташлади. Ўша заҳоти у ерга поезд келиб тўхтади. Сулаймон Одлавадзе сўнгги ирода кучини жамлаб турib қўлини болага узатди-ю, уни зарб билан изидан итариб юборди.

Поезд тўхтагач кишилар чопиб келишди. Улар орасида боланинг онаси ҳам бор эди. Она ҳўнграб йиғлар, лекин унинг юзида бахт куларди: кичкина Ваганик тирик бўлиб, ҳеч қандай шикаст етмаган эди. Бу бола колхоз тракторчиси Иқиликяннинг ўғли экан.

Орадан бир неча минут ўтгач, оғир юкли поезд ўрнидан қўзғалди, тезлигини аста ошираборib, узоқ сафарга равона бўлди. Уни Сухуми электровоз депосининг энг яхши машинисти Сулаймон Одлавадзе бошқариб борарди.

ҚАРДОШ САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимиз халқларининг маданий алоқаларини мустаҳкамлаш, маданий мерос ва ижодий муваффақиятларни ўзаро ўртоқлашиш яхши традицияга айланган.

Кеча пойтахтимизнинг маданий ҳаётида катта воқеа — Закавказье республикалари кино санъати ҳафталиги бошланди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат матбуот комитетида республика газета ва журналлари ходимлари билан шаҳримизга келган Закавказье республикалари кино санъати ходимларининг учрашуви ўтказилди. Комитет раиси, Ўзбекистон Журналистлар союзи Президиумининг раиси З. И. Есенбоев азиз меҳмонларни республика журналистлари номидан қизғин табриклади.

Ўзбекистон кинематография ходимлари союзининг раиси, кинорежиссер Латиф Файзиев меҳмонларни республика кино санъати ходимлари номидан қизғин табриклади.

Учрашувда «Грузияфильм» кино студиясининг ходими, кино танқидчи Г. Б. Барагашвили, шу киностудиянинг кино оператори Д. Н. Маргиев, Арманистон ССР кинофильмлар ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ф. С. Багramян ва бошқалар ўз республикалари кино ходимларининг ижодий ишлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Фестиваль фильмлари пойтахтимиздаги «Москва», «Чайка» ва «Восток» кино театрларида намойиш қилинмоқда.

Закавказьелик кино санъаткорлар Самарқандда бўладилар, республика кино томошабинлари билан учрашадилар ва «Ўзбекфильм» киностудиясида бўлиб, республикамиз кино санъаткорлари билан ижодий учрашувлар ўтказадилар.

ЎЛИМ БИЛАН ОЛИШУВ

Москва яқинидаги Колонна шаҳри хирурглари мураккаб операция қилдилар. Улар 15 ёшлик боланинг ҳаётини сақлаб қолишди. Бу боланинг кўкрагини ўқ тешиб ўтиб, юрагининг усти, диафрагмаси жигар, ошқозон, қорин аортаси ва умуртқа погонасини шикастлантирган эди.

Мактаб ўқувчиси Саша Носиров ўйинчоқ тўппонча стволига кичик калибрли милтиқ патронини тиқишга уринган эди. Ўқ отилиб, у болага тегди. Сашани касалхонага олиб келишганида, у ўлим билан олишарди.

Беш хирург 2 соату 15 минут давомида операция столидан нари кетмадилар. Сашанинг юрагини ўч ердан тикдилар, аорта ва жигарини беш жойидан, ошқозонини ўн жойидан тикиб қўйдилар.

Касалхонада ўн кундан бери шифокорлар боланинг ҳаётини ўйлаб, ҳозир ўзини яхши ҳис қилмоқда, иштаҳаси дуруст. Шаҳар касалхонасининг бош хирурги В. Обиховднинг айтишича, хавф бартараф қилинди, бола тезда бутунлай соғайиб кетади. (ТАСС).

ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

АЦЕКЛИДИН

Москвадаги Серго Оржоникидзе номли кимё-фармацевтика илмий текшириш институти коллективи янги ажойиб препарат — ацеклидин яратди. Ацеклидин глаукома, гинекологик ва урологик касалликларни даволашда қўлланилади.

Кимё-фармацевтика заводи янги препаратнинг дастлабки намуналарини ишлаб чиқди.

МЕПРОТАН

«Акрихин» заводи коллективи нерв касалликларини даволашда катта аҳамиятга эга бўлган мепротан номли янги препарат ишлаб чиқара бошлади.

Қ. АҲМЕРОВ, Москва шаҳри.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЎТ ЖИЛОВКОРИ

...01 номерли телефон жиринглаб қолди. Шошилинч команда берилди: ўт ўчириш командаси бир зумда ёнғин чиққан жойга етиб келди. Бурқсиб чиқаётган тутун кўз очиргани қўймайди. Икки киши шлангани ушлаб нарвондан чаққонлик билан иккинчи қаватга кўтарилди. Ўт билан нураш бошланди. Бирнеча минут ўтмасдан ёнғин ўчирилди.

Ана шундай незларда сиз ўзингизни ўт ўчирувчи ўрнига қўйиб кўринг. Бу касб нақадар қийин ва мураккаб, айни вақтда масъулиятли эканлигига чшончқосил қиласиз. Ўт ўчирувчи чидамли, чиниққан ва аввало эпчил бўлиши керак. Тошпўлат Раҳматовда ана шундай фазилатлар бор. Шунинг учун ҳам уни Киров райони ўт ўчирувчилари чуқур ҳурмат қилишади.

Узоқ йиллар давомида Т. Раҳматов ёнғинларни ўчиришда қаҳрамонлик кўрсатди. Ўтдан кўрқмади. Халол меҳнатлари учун иккита «Жанговар хизматлари учун» медали, «Аълочи ўт ўчирувчи» значоги ва бирнеча марта фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Яқинда эса Т. Раҳматовни бутун республика таниди. У ловиллаб ёнаётган бино ичига кириб ўт ўчиришда мислсиз жасорат кўрсатди: қиммат баҳо давлат мулкини сақлаб қолди. Энди бу ўт жиловкорининг кўкрагидаги медаллар қаторига «Ёнғин пайтидаги жасорати учун» медали ҳам қўшилди.

И. АЛИМОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Маълумки, шаҳримиздаги ташкилотлар, муассаса ва корхоналарнинг раҳбарлари меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини, таклиф, мулоҳазалари ва талабларини ўзлари белгилаб қўйган вақтларда қабул қиладилар.

Пойтахт аҳолиси айниқса район, шаҳар советларига ва уларнинг бўлимларига, шунингдек район ва шаҳар уй-жой бошқармаларига, коммунал хўжалик, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган ташкилотларга турли масалалар билан тез-тез мурожаат этиб турадилар. Бироқ ана шу ташкилотларнинг раҳбарлари меҳнаткашларни қабул қилишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Баъзи раҳбарлар қабул соатларида ҳозир бўлмайдилар, кечикиб келадилар ёки мутлақо қабул қилмайдилар. Баъзан хўжа кўрсингагина қабул қиладилар. Айрим ҳолларда у ёки бу раҳбарнинг қабулида бўлиш учун бир неча кунлар овора бўлиш ҳоллари ҳам содир бўлиб туради. Бундай аҳвол кишиларнинг ишдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Яқинда меҳнаткашларни қабул қилиш масаласи шаҳар совети ижроия комитетида атрофлича ва чуқур муҳокама қилинди. Бу соҳада содир бўлаётган камчиликлар очиб ташланди ва бу камчиликларни бартараф қилишга қаратилган бир қатор амалий тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди. Жумладан район советлари ва уларнинг бўлимлари, шаҳар советлари ижроия комитетлари бўлимлари, бошқармалар, шунингдек корхона муассаса ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари шаҳар совети томонидан тасдиқланган график асосида ва бу графикка қатъий риоя қилган ҳолда меҳнаткашларни қабул қиладилар. Бу қарорда диққатга сазовор бўладиган шундаки, графикка муфоқ меҳнаткашлар ишдан сўнг ва дам олиш кунларида ҳам қабул қилинадилар. Масалан, районлардаги паспорт, газ, ЗАГС, мароф бўлимлари шаҳар ва район техника инспекция бюроси, уй-жой бошқармалари ва бошқа аҳолига маиший-маданий ва моддий хизмат кўрсатадиган ташкилотлар дам олиш кунлари ишлайдилар.

Меҳнаткашларнинг тез-тез иши тушиб турадиган ана шу ташкилотларда шундай тартибнинг ўрнатилиши шубҳасиз пойтахт меҳнаткашларини хурсанд қилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

31 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — Эрталабки гимнастика машғулотлари, 11.20 — Кичкинтойлар телестудияда, 11.40 — Ун минг ўғил бола (бадиий фильм), 12.55 — Концерт (мактаб ўқувчилари учун).

Рус тилида: 13.20 — Қувноқ симлар (қўғирчоқ фильми), 13.35 — Энг чиройли туш (телевизион фильм), 13.45 — Киносаёҳат альманахи, 14.05 — Бугун — мастерлар куни, 14.30 — Олтин дарвоза (ҳужжатли фильм), 15.15 — Шифобахш сувлар водийси (телевизион очерк), 15.25 — Хатларингизни ўқиб, 17.00 — Биз Спасданмиз 17.30 — Телевизион янгиликлар 17.45 — Новости дня киножурнали ва Бадиий фильм 19.20 — Енгил атлетика бўйича Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон командалари ўртасидаги мусобақалар (Олмаотадан), 19.50 — Иованна куйлайди.

21.05 — Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.10 — «Муштум» журнали обзори, 21.40 — Телевизион янгиликлар, 21.55 — Зангори йўллардан (телевизион очерк), 22-10 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/V да кундуз Доктор Айболит, кечқурун Русалка, 2/VI да Флория Тоска.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/V да Тошболта ошиқ, 1/VI да Алпомиш.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Жунгли — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Король Королю — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40 минут, кундуз 1 ярим, 3.20 ва кеч 6.40 минутда).

Икки якшанба «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Севги ва мода — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 10 да).

Палиастоми — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Қора қоялар (эрталаб соат 10 да). Алишер Навоий (кеч 8 да) — «ВАТАН».

Маҳаллада дув-дув гап (кундуз соат 5 да ўзбек тилида). Қонунқонундир (кеч 8-20 минут ва 10 да) — НАВОИЙ номли.

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10 яримда)

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ОКТЯБРЬ».

Король Королю — НАВОИЙ номли.

Шайтон ва ўн насиҳат — «ФЕСТИВАЛЬ».

Қора ниқобда — КАФАНОВ номли.

Ёз бекор ўтди — «ШАРҚ».

1964 йил 11 июнь кундуз соат 2 да. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ҳузуридаги химия фанлари юзасидан илмий даражаларни бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй, акт зали)

К. А. Асомов — химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ниобий, тантал ва уранларни фотоколориметрик аниқлаш учун диокиси — 3, 4-фенил — 4-азобензол, аВ' дипиридил ва баъзи бир бошқа органик бирикмаларни қўлланиш» деган темада

диссертация ёқлайдилар

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Калинин район, Гулистон қишлоқ советидаги Киров номли колхозда турувчи Рихси Тўраевага шу колхозда турувчи Аҳмад Тўраевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область Калинин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Шомаҳмудов кўчаси, 100-уйда турувчи Неъмат Сиддиқовнинг Калинин район Қатортол қишлоқ советидаги «Москва» колхозида турувчи Санталат Сиддиқова (Аширова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Заготзерно кўчаси, 83-уйда турувчи Ғабидулла Юсуповичь Бекбоевнинг Карл Маркс кўчаси 15-уй, 1-квартирада турувчи Муаттар Норметовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Киров район халқ судида кўрилади.

АТОҚЛИ КИНО АРБОБИ

Баҳор! Нақадар гўзал, хушгабиат фасл! Унга қараб тўймайсан киши. Уни қайта-қайта кўргинг, завқларга тўлгинг келади.

Атоқли санъат устаси, машҳур кино арбоби Комил Ерматов бундай баҳорларни олтмишгача қадам қўйди. Ҳар қайси баҳор унга олам-олам севинч бағишлади, шўх кайфият бахш этди.

Ёшлик чоғида, маҳаллий ҳордиқлар ва байрамларнинг халққа ўтказган зилмаларини ўз кўзи билан кўрган Комил уларга нафратланиб қарарди. Шунинг учун ҳам совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки кунлардаёқ йигитлик ғурури уни армия сафига тортди.

Ўн олти ёшли Комилжон 1920 йил январь ойида ўз хоҳиши билан биринчи Туркистон отлиқ аскар полкининг Қўқондаги олтинчи бўлимида хизмат эта бошлади.

1922 йилда у Озарбайжонга ўқишга юборилди. Комилжон Ленин номидаги Боку терма ҳарбий мактабида марҳум Собир Раҳимов билан бирга таълим олди.

Комсомол ўз сафидаги минглаб ёшлар қатори Комилжондан ҳам миннатдор эди. Шу сабабли уни Москвага ўқишга юборди.

Кунларнинг бирида Москвадаги «АРС» кинозалида юз берган кичик ҳодиса унинг ҳаёт йилдирагини бошқа изга солиб юборди. Унга Москвада суратга олинаётган кинофильмда бир эпизодик роль бажаришни таклиф қилишди. Комилжонга ишониб топширилган биринчи роль — Дутов армиясидаги разведка бошлиғининг роли муваффақиятли ижро этилди.

Шундан сўнг у 1925 йилда устози В. Гардин маслаҳати билан Москвадаги Чайковский номли кино актерлар тайёрлаш курсига ўқишга кирди.

Бу ерда у Ўзбекистоннинг бўлажак санъат усталари Аброр Ҳидоятов, Маннон Уйғур, Тўра Хўжаевлар билан бирга таълим олди. У курсни тамомлаб, дўстлари билан бирга Тошкентга қайтди.

Бу пайтда «Ўзбекгоскино» трести энди-гина ташкил этилган эди. Ёш ўзбек кино мутахассислари рус операли ёрдамида шу йилиёқ «Равот қашқирлари» номли овозсиз кинофильм ишлаб чиқаришга киришдилар. К. Ермatов дастлаб «Ўзбекгоскино»да бир эпизодик роль ижро этишга муваффақ бўлди.

1928 йили республика экранларига «Мачит гумбазлари тагида» фильми чиқди. Бу фильмда Комил Ермatовга бош қаҳрамон — Умар ролини ижро этиш топширилган эди. У масъулиятли вазифани бажариш учун астойдил киришди, кўзғолон қатнашчиларини топиб, улар билан суҳбатлашди, қишлоқларга чиқиб революциядан илгариги ҳаёт, халқ турмуши, урф-одатларини яхшилаб ўрганди.

Ёш артист Комил Ермatовнинг мана шу дастлабки ролда эришган муваффақияти келажакда моҳир санъат устаси бўлиб етишажагидан далолат берарди.

1928 йилда Тошкент киностудиясн бир қатор меҳнатсевар ижодий ёшларни Москвага ўқишга юборди. Булар орасида Комил Ермatов ҳам бор эди.


У Москвада С. Эйзенштейн, В. Пудовкин, Л. Кулешов, Н. Зархи сингари машҳур кино арбобларидан таълим олди.

Комил Ермatов каникул вақтларида Тошкент киностудиясига келиб, институтда олган назарий билимларини амалда татбиқ этиб турди. Бу даврда у Тошкент киностудиясн ишлаган «Сўнгги бек» фильмида Али ролини ижро этди ва ассистентлик вазифасини бажариб, режиссёр С. Сабинскийга ёрдам берди.

...Кишн ҳаётида рўй берган айрим ҳодиса-воқеалар умрбод эсда сақланиб қолади. Шунингдек 1930 йил, декабрь ойи Комилжоннинг ёдида ҳали-ҳали сақланади. Бу пайтда шонли Комилжоннинг ёдида ҳали-ҳали сақланади. Бу пайтда шонли комсомол ўни партия сафига ўсган, бу воқеа Комилжонни янада катта ғайрат билан ишлашга ундаган эди.

1932 йилнинг ёз фаслида. Комил Ермatов институтни битирди. Энди у чинакам кино мутахассиси бўлиб етишди. Олий маълумот унга олий вазифа ҳам юклади. У эндигина ташкил топган Душанба киностудиясига режиссёр қилиб тайинланди.

Режиссёр «Тожикфильм» трестига келиши биланоқ «Узоқ чегарада» деган бадиий фильм устида иш олиб борди. Кейинчалик у «Муҳожир» ва «Дўстлар қайта учрашдилар» фильмларини ишлаб, совет кино санъати усталари олдида ўзини моҳир артист ва режиссёр сифатида танитди.



Улуғ Ватан уруш йилларида Комил Ермatов Тошкент киностудиясига бадиий раҳбарлик қилиш билан «Ватан совғаси», «Фронт учун концерт», «Биз енгамиз», «Фронтдаги дўстлар» деган фильм-концертлар устида иш олиб борди.

Бу фильмлар жангчиларни руҳлантирадиган, уларни ота-Ватан ҳимоясига отлантирадиган қўшиқ ва монологлар киритилди.

Комил Ермatов кўпдан бери тарихий фильм яратиш орзусида юрарди. У ўз орзусига етди. Мамлакатда тинч турмуш бошланган, унга ўзбек халқининг мутафаккири, буюк олим ва шоир Алишер Навоий образини экранда жонлантириш топширилди.

Навоийнинг босиб ўтган йўли, у яшаб ижод этган давр бир бошдан ёзилганда бир неча томли китоб бўларди. Худди шу воқеа-ҳодисаларни бир ярим соат давомида томошабин кўз олдида гавдалантириш режиссёрдан изланиш, фикр юритиш ва қунт талаб қиларди. Масалан, Алишернинг ёшлигини тасвирлашдан бир йўла улғайган пайтга кўчиш лозим бўлиб қолди. Бу кўринишни томошабинга усталик билан етказиш фильм режиссёрининг санъатига боғлиқ эди. К. Ермatов бу вазифани муваффақиятли адо этди.

...«Алишер Навоий фильми, —деб ёзган эди, 1948 йилда— «Искусство кино» журнали,— режиссёрнинг етуклиги ва ўзига хос талантининг натижасидир».

Бу фильм фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш билан томоша қилинди.

Ўзбекистонда болаларга атаб кинофильм яратиш вазифаси дастлаб тажрибали режиссёр Комил Ермatов зиммасига тушди. У 1952 йилда «Пахтаой» фильмини яратди. Бу фильм пахтанинг ёруғ ҳаёти, пахта, ғалла, ёқилғи, металл каби энг қимматли хомашё эканини содда ва равон услубда тушунтиришдан иборат эди.

Совет кино санъати йилдан-йилга такомиллашди. Иттифоқимиз кинематографияси ходимлари рангли фильмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Овоз янги кино санъатини бунёд этган бўлса, ранг унга жозиба, кўрк бағишлади. Кейинги йилларда Тошкент киностудияси «Амирликнинг емирилиши», «Опа-сингиллар», «Абу Али ибн Сино», «Гуллар очилганда» сингари рангли фильмлар ишлаб чиқарди.

К. Ермatовни замонавий тема яна ўзига жалб этди. У бўз ерларни ўзлаштираётган ёшлар, чўлларни гулистонга айлантираётган совет кишилари ҳақида фильм яратишни орзу қиларди. Комил Ермatов К. Файзулиннинг «Гуллар очилганда» деган адабий сценарийси устида иш олиб борди. Бу фильм тоғлар ёнбағрида, беполёч чўлларда янги-янги шаҳарлар барпо қилаётган, табиатни инсон ҳукмига бўйсундираётган комсомол ёшлар ҳақида ҳикоя қилади.

Шунисн характерлики, «Опа-сингиллар», «Абу Али ибн Сино», «Гуллар очилганда» фильмларининг асосий ижрочилари ҳам эндигина кино санъати майдонига кириб келаётган ёки бу майдонга дастлаб қадам ташлаган ёшлардан иборатдир. М. Орипов (ибн Сино), Т. Тожиев («Журжони»), С. Азаматова (Дилбар), Б. Зокиров (Собир) ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Улуғ етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йилнинг февраль-март ойларида Москвада Ўзбекистон санъат ва адабиёт ходимларининг учинчи декадаси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Комил Ермatовга СССР халқ артисти фахрий унвони берилди.

Кейинги йилларда партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлари традицияга айланиб қолди. Бу учрашувларда улар билимлик ва очиқ кўнгил билан суҳбатлашдилар; адабиёт ва санъат арбоблари коммунизм қурилишдек улуғвор ишга қандай ҳисса қўшаётганлари, бундан буён меҳнаткаш халқимизнинг маданий хордиқ чиқариши учун нималар қилажакларн ҳақида қимматли маслаҳатлар тингладилар. 1962 йил декабрь ва 1963 йил март ойларида бўлиб ўтган бундай маросим учрашувларда Комил Ермatов ҳам Ўзбекистон санъат намояндаси сифатида иштирок этди.

Бу учрашувлар Комил Ермatов зиммасига шарафли вазифалар юклади. У «Ўзбекфильм» студиясининг бадиий раҳбари сифатида ёш режиссёрларга амалий ёрдам ва йўлланмалар беришни кундалик вазифаси деб биладиган бўлди. «Бешовн ҳам Фарғочадан», «Сенинг изинг», «Саҳро устида осмон» сингари фильмлар яратилишда Комил Ермatовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Моҳир режиссёр бу билан кифояланиб қолмай Ўзбекистон ССР ва Республика Компартиясининг 40 йиллик шонли юбилейига муносиб совға тайёрламоқда. У Назир Сафаров ва Мелькумовлар билан бирликда «Осиё устида нур» номли янги сценарий устида иш олиб бормоқда. Бу фильм Ўрта Осиё халқларининг жаҳолат ботқоғидан чиқиб, нурафшон дунёга қадам қўйишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Муҳсин АЛИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 31 МАЙ 1964 ИИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, Правда Востока кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34803. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05608. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1765.